

**НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ**  
**ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**PhD. 03/30.12.2019.Т.66.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ**

**НЕГМАТОВ БОСИТХОН ИЗЗАТИЛЛАЕВИЧ**

**ПАХТАНИ ҚАБУЛ ҚИЛУВЧИ-УЗАТУВЧИ ҚУРИЛМАНИ**  
**ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ОРҚАЛИ УНИНГ**  
**САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ**

**05.06.02- Тўқимачилик материаллари технологияси ва**  
**хомашёга дастлабки ишлов бериш**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)**  
**ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)  
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора  
философии (PhD) по техническим наукам**

**Contents of dissertation abstract of  
philosophy (PhD) on technical sciences**

<b>Негматов Боситхон Иззатиллаевич</b> Пахтани қабул қилувчи-узатувчи қурилмани такомиллаштириш орқали унинг самарадорлигини ошириш .....	3
<b>Негматов Боситхон Иззатиллаевич</b> Повышение эффективности приемо-подающего устройства путем его модернизации.....	21
<b>Negmatov Bositjon Izzatillaevich</b> Improving the efficiency of the receiving-feeding device by means of its modernization.....	39
<b>Эълон қилинган ишлар рўйхати</b> Список опубликованных работ List of published works .....	42

**НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ**  
**ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**PhD. 03/30.12.2019.Т.66.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ**

**НЕГМАТОВ БОСИТХОН ИЗЗАТИЛЛАЕВИЧ**

**ПАХТАНИ ҚАБУЛ ҚИЛУВЧИ-УЗАТУВЧИ ҚУРИЛМАНИ**  
**ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ОРҚАЛИ УНИНГ**  
**САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ**

**05.06.02- Тўқимачилик материаллари технологияси ва**  
**хомашёга дастлабки ишлов бериш**

**ТЕХНИКА ФАҢЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)**  
**ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси **Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида №В2020.2.PhD/Т1654. рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертацияси Наманган муҳандислик-технология институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Наманган муҳандислик-технология институти хузуридаги Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.namnti.uz](http://www.namnti.uz)) ва "ZiyoNet" Ахборот таълим порталида ([www.ziyo.net](http://www.ziyo.net)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Жуманиязов Қадам**  
техника фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Эргашев Жамолiddин Саматович**  
техника фанлари доктори, профессор

**Сулаймонов Рустам Шенникович**  
техника фанлари доктори, катта илмий ходим

**Ётақчи ташкилот:**

**Андижон машинасозлик институти**

Диссертация химояси Наманган муҳандислик-технология институти хузуридаги PhD. 03/30.12.2019.Т.66.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «26» февраль соғат 14<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 160115, Наманган ш., Косонсой-7, тел.: (+998) 69 228-76-68, 225-10-07, факс: (+998) 69 228-76-75, e-mail: [nei\\_nfo@edi.uz](mailto:nei_nfo@edi.uz), Наманган муҳандислик-технология институти маъмурий биноси, 1-қават, кичик мажлислар зали).

Диссертация билан Наманган муҳандислик-технология институти Ахборот-ресурс марказида таништириш мумкин (450-рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 160115, Наманган ш., Косонсой-7, тел.: (+998) 69 228-76-68.

Диссертация автореферати 2022 йил «14» февраль кунни тарқатилди.  
(2022 йил «14» февралдаги № 66-рақамли реестр баённомаси).



*Муродов*  
**Р.М. Муратов**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,  
техника фанлари доктори, профессор

*Бобожанов*  
**Х.Т. Бобожанов**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
илмий котиби, техника фанлари доктори, доцент

*Халиков*  
**Қ.М. Халиков**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш хузуридаги илмий  
семинар раиси, техника фанлари доктори, профессор

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳонда пахта толасига бўлган талаб йилдан-йилга ошиб бормоқда. Бунда Ўзбекистон ўзининг муносиб ўрнига эга. Пахта бўйича “Халқаро консультатив кўмитаси (ICAC)”нинг статистик маълумотига кўра сўнги йилларда жаҳон миқёсида пахта толасини ишлаб чиқариш ўртача 23,0 млн. тонна бўлса, унинг истеъмоли ўртача 24,5 млн. тоннани ташкил этмоқда. Жаҳон бозорида табиий толалардан тайёрланган рақобатбардош, сифатли тўқимачилик маҳсулотларига бўлган эҳтиёж юқори даражадалиги ҳамда уни кенгайтириш зарурлиги аниқланган<sup>1</sup>. Шунинг учун муайян харажатларни жалб қилиш талаб этилмоқда. Бунга кўра, ишлаб чиқариш учун олинаётган иқтисодий самарадорликни таъминлаш ҳамда ишлаб чиқарилаётган маҳсулот таннархини камайтиришга қаратилган чоралар муҳим ҳисобланади.

Жаҳонда энг кўп етиштириладиган табиий толалардан бири пахта толасидир. Унга бўлган эҳтиёжнинг ошиши сабаб, пахта етиштирувчи мамлакатларда пахтани сифат кўрсаткичини ошириш учун дастлабки ишлаш техника ва технологиясини такомиллаштириш ва илмий асосларини яратиш бўйича кенг миқёсда илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Бу борада, пахтани қабул қилувчи ва узатувчи қурилмаларнинг иш унумдорлигини ошириш, ишчи органлари ресурстежамкор конструкцияларини яратиш, уларнинг мустаҳкамлигини ошириш, пахта толасининг табиий сифат кўрсаткичларини сақлаб қолиш муҳим аҳамиятга эга. Шу билан бирга, пахтани қабул қилиш ва узатиш жараёнида маҳсулот сифатига салбий таъсир кўрсатмайдиган такомиллаштирилган машина конструкциясини ишлаб чиқиш, унинг ишчи параметрларини асослаш, энергия сарфини камайтириш масалалари долзарб муаммолардан ҳисобланади.

Республикамызда бу борада «Ўзбекистон пахта-тўқимачилик кластери» уюшмаси тизимидаги пахта тозалаш корхоналари олдида турган ва ечилиши лозим бўлган асосий вазифалардан бири илмий асосланган янги техника ва технологияни ишлаб чиқаришга жорий этиш билан пахтани ўз вақтида сифатли қабул қилиш, пахта майдонларига ғарамлаш ва омборларга тўдалаш ҳамда пахтага дастлабки ишлов беришда, маҳсулот йўқолишини кескин камайтириб, давлат стандартлари талабига мос бўлган сифатли маҳсулотларни ишлаб чиқаришдан иборат. Бунинг учун пахтани дастлабки ишлаш техника ва технологияси бўйича кенг миқёсда илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш муҳим аҳамият касб этади. Бу йўналишда 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида, жумладан «...миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш, иқтисодиётда энергия ва ресурслар сарфини камайтириш, ишлаб чиқаришга энергия тежайдиган технологияларни кенг жорий этиш...»<sup>2</sup> вазифалари белгилаб берилган. Ушбу вазифани бажаришда

<sup>1</sup> Cotton: WorldStatistics. <https://www.statista.com>; <http://www.ICAC.org>.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони

пахтани юқори темпда тайёрлашда пахта тозалаш корхоналари ва пахтани қабул қилиш масканларида оғир ва ишчи кучини кўп талаб қиладиган ишларни механизациялаштириш билан қабул қилишни-узатишни такомиллаштирилган самарали техникасини яратиш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Пахтачилик соҳасида бозор тамойилларини кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2020 йил 6 мартдаги ПҚ-4633-сон қарори ижросини таъминлаш мақсадида пахта хом ашёсини етиштириш ва қайта ишлаш кооперациялари фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 22 июндаги 398-сонли Қарори, Вазирлар маҳкамасининг 2018 йил 25 ноябрдаги 53-сонли «Пахта-тўқимачилик ишлаб чиқаришлари ва кластерлари фаолиятини ташкил этиш бўйича қўшимча чора тадбирлар тўғрисида»ги Қарори, Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 14 январдаги 21-сонли «Республика ҳудудларида пахта ҳосили теримини механизациялаш даражасини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори, ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот Республика фан ва технологиялар ривожланишининг II. «Энергетика, энергия- ресурстежамкорлик, транспорт, машина ва асбобсозлик» устувор йўналишлари доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Пахтани қабул қилувчи-узатувчи қурилмаларнинг ишчи қисмларини такомиллаштириш, энергия-ресурстежамкорлигини ошириш, кўл ва машинада терилган пахтани қабул қилиш-узатиш технологиясини такомиллаштириш, пахтани қабул қилиш ва узатишда пахтани тўқиш жараёнига, уни ишлаб чиқаришга берилишидан олинган толанинг сифат ва миқдор кўрсаткичларига таъсири бўйича бир қатор чет эл олимлари, жумладан V.G.Arude, W.S.Anthony, R.V.Baker, J.W.Laird, R.M.Sutton, P.A.Boving, S.K.Shukla, T.S.Manojkumar, D.W.Van Doorn, B.M.Norman, X. Кресзенски, Д.А.Полякова, Ж. Рей, Д.Грумова, С.Стапчева, Е.Белинова, В.Д.Фролов ва бошқалар илмий тадқиқот ишларини олиб борган.

Пахтани қабул қилиш-узатиш жараёнининг техника ва технологиясини яратиш, ишчи қисмларининг параметрларини ва ишлаш режимларини такомиллаштириш орқали қабул қилувчи-узатувчи қурилмаларнинг самарадорлигини ошириш, пахтани қабул қилишда сифатини яхшилаш бўйича фундаментал ва амалий масалаларни ривожланишида мамлакатимизда бир қатор олимлар, жумладан Г.И. Болдинский, Г.И. Мирошниченко, Р. Амиров, Р.В. Корабельников, Н.М. Мусаев,

Ю.А. Юханов, В.Е. Радкевич ва бошқалар ўзларининг салмоқли ҳиссаларини кўшганлар. Шундай бўлсада, қабул қилувчи масканларга транспортларда пахтани узлуксиз ташиб келтирилишида самарали қабул қиладиган, транспорт тирбандликларини бартараф этиб, тўлиқ механизация усулида ишлайдиган қабул қилувчи-узатувчи қурилмани яратиш муаммоси тўлиқ ҳал этилмаган. Бу борада олиб борилган илмий изланишлар асосан гравитацион усулида пахтани қабул қилиш-узатишга қаратилган, аммо механизация усулида пахтани самарали қабул қилиш-узатишда иш унумдорликни ошириш йўналишида етарли даражада илмий тадқиқот ишлари олиб борилмаган.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Наманган муҳандислик-технология институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг «Пахтани қабул қилувчи-узатувчи қурилмани такомиллаштириш орқали унинг самарадорлигини ошириш» мавзуси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** пахтани тўлиқ механизация усулида таъминлайдиган самарали қабул қилувчи - узатувчи қурилмани такомиллаштириш орқали самарадорликни оширишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

автотранспортларда келтирилган пахтани туширишда тикилишлар ва тирбандликларни бартараф этиш учун қабул қилувчи-узатувчи қурилмани такомиллаштириш;

пахтани ички структурасини ва силжишдаги қаршилик кучларини инобатга олган ҳолда пахтани тўлиқ механизация усулда конвейерга туширишнинг назарий тадқиқотини олиб бориш;

автотранспорт аравасидан тўкилган пахтани тикилмасдан тўлиқ қабул қилиш учун бункернинг муқобил ҳажмини назарий томондан аниқлаш бўйича тадқиқотлар олиб бориш;

қабул қилувчи бункер зонасида иш унумдорликни ошириш ва пахтани керакли микдорда механизация усулида ташувчи конвейерга узлуксиз узатиш учун дозаторли барабанларни тадқиқ этиш;

пахтани бир хилда конвейерга узатишда қозикли барабанлар параметрларини ва тезликларининг таъсирининг назарий тадқиқотларини олиб бориш;

такомиллаштирилган қабул қилувчи-узатувчи қурилманинг муқобил параметрлари ва режимлари аниқлаш ҳамда пахтани қабул қилиш-узатиш технологиясининг самарадорлигини ошириш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида пахтани қабул қилиш-узатишда техника ва технологияси олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** конвейерга узлуксиз узатиш учун дозаторли барабан, юқори ва паст навли пахталарни қабул қилиш - узатиш технологик жараёни ва уни самарали амалга оширишда техник ишланма, математик моделлар, қурилманинг параметрлари, иш режимлари ва кўрсаткичлари ҳамда уларнинг ўзгариш қонуниятлари ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот жараёнида назарий ва амалий механика, машина ва механизмлар назарияси, олий математика ва тебранишлар назарияси, технологик машиналарни иш жараёнларини математик моделлаштириш, математик статистика ва ҳисоблаш математикаси усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

автотранспортлардан келтирилган пахтани туширишда тикилишларни олдини олиш ва трбандликларни бартараф этиш учун пахтани тўлиқ механизация усулида қабул қилиш-узатиш жараёнини амалга оширувчи қурилма яратилган;

юқори ва паст навли пахтани қабул қилиш ва узатишда пахта ички структурасини ўзгаришида 20 % гача намликни ва  $170 \text{ кг/м}^3$  зичликни инобатга олган ҳолда силжишдаги қаршилиқ кучини ифодаловчи математик модели ишлаб чиқилган;

автотранспортларидан берилган пахтани тикилмасдан тўлиқ механизация усулида қабул қилиш учун қабул қилувчи-узатувчи қурилмага  $14 \text{ м}^3$  ҳажмли бункер ишлаб чиқилган ва унинг муқобил параметрлари аниқланган;

қабул қилувчи-узатувчи қурилма бункерида пахтани ташувчи конвейерга тикилмасдан узликсиз узатиш билан иш унумдорликни ошириш учун 600 мм диаметрли қозикли дозаторли барабанлар ишлаб чиқилган, улардаги қозиклар узунлиги 240 мм га, қозиклар орасидаги қадами 200 мм га ва барабан тезлигини 3 м/с га тенг бўлган муқобил параметрлари аниқланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

терим мавсумининг қизғин пайтларида пахтани ўз вақтида қабул қилинишини таъминлаш учун тайёрлов масканларидаги механизация воситалари йиллик пахта ҳажмига нисбатан кунлик 10 % пахта хом-ашёсини қабул қилишга ҳисобланиши кераклиги аниқланган;

автотранспортлардан келтирилган пахтани ўз вақтида қабул қилиш-узатиш жараёнини амалга оширадиган, иш унумдорлиги юқори бўлган қабул қилувчи-узатувчи қурилма ишлаб чиқилган;

пахтани физик-механик хусусиятини инобатга олган ҳолда уни силжишида бузилиш характеристикасини аниқлайдиган янги прибор тайёрланган.

автотранспорт араваларидан қабул қилувчи-узатувчи қурилмага механизация усулида пахтани тўлиқ тўкишни амалга ошириш учун қабул қилувчи бункернинг керакли ҳажми танланган;

қабул қилувчи-узатувчи қурилманинг иш унумдорлигини бошқариш орқали ошириш ва трбандликларни бартараф этиш мақсадида қабул қилувчи бункер учун қозикли дозаторли барабанлар ишлаб чиқилган;

амалий тадқиқотлар асосида қабул қилувчи - узатувчи қурилма бункери ҳажмининг ва қозикли дозаторли барабанларнинг муқобил технологик ва конструктив параметрлари аниқланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги изланишларнинг замонавий усул ва ўлчаш воситаларидан



фойдаланган ҳолда ўтказилганлиги, назарий ва экспериментал тадқиқотларнинг ўзаро адекватлиги, бажарилган тадқиқотлар асосида қабул қилувчи-узатувчи қурилмада бажарилган синовларнинг ижобий натижалари ҳамда амалиётга жорий этилганлиги билан асосланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти пахтани қабул қилишда иш унумдорликни ошириш орқали автотранспортларни пахтани қурилмага тўқишда кутиб қолишидан юзага келадиган трбандликларни бартараф этиш учун пахта тозалаш корхоналаридаги ХПП-III русумли қабул қилиш-узатиш қурилмасига конструкцион ўзгартиришлар киритиб, самарадорлигини оширишни илмий асосланган технологияси яратилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти иш унумдорлигини ошириш билан пахтани қабул қилувчи бункердан ташувчи конвейерга керакли миқдорда узатадиган такомиллаштирилган бункер хажмига ва қозикли дозаторли барабанларга эга бўлган янги конструкцияли қабул қилувчи-узатувчи қурилмани тавсия қилинганлиги ва ишлаб чиқариш шароитида қўллаш имконияти билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Пахта тозалаш корхоналарининг тайёрлов масканларида пахтани қабул қилишда самарадорлиги юқори бўлган қурилмани яратиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

такомиллаштирилган пахтани қабул қилиш ва узатиш қурилмаси «Ўзбекистон пахта - тўқимачилик кластерлари» уюшмаси тасарруфидаги Наманган вилоятининг «Uchkurgan textile» қўшма корхонасига қарашли «Уйчи пахта тозалаш» корхонасига жорий этилган («Ўзбекистон пахта-тўқимачилик кластерлари» уюшмасининг 2021 йил 17 декабрдаги 03/22-388 - сон маълумотномаси). Натижада юқори ва паст навли пахтани қабул қилишда қурилманиннг иш унумдорлигини 17,6 % ва 13,7 % га оширишга, пахтадаги нуксонли тола ва ифлос аралашмаларнинг массавий улушини ўртача 0,35 % ва 0,22 % га камайтириш, ишлаб чиқарилаётган тола сифатини яхшилаш имкони яратилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 5 та халқаро ва 5 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 15 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 8 та мақола, жумладан, 3 таси республика ва 5 таси хорижий журналларда нашр этилган ва Ўзбекистон Республикаси интеллектуал мулк агентлигига (№ FAP 2020 0045) талабнома тақдим этилган ва ижобий хулоса олинган. Ундан ташқари ЭҲМ дастури учун гувоҳнома (DGU 13285) олинган.

**Диссертациянинг тузилиши ва хажми.** Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, умумий хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация хажми 120 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, мақсади ва вазифалари, тадқиқот объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги асосланган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, уларнинг илмий ва амалий аҳамияти ёритилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этилиши, ишнинг апробацияси, нашр этилган ишлар, диссертация тузилиши ва ҳажми бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Пахтани қабул қилиш, ғарамлаш ва механизация воситалари”** деб номланган биринчи боби пахта тозалаш корхоналарининг тайёрлов масканларига автотранспортларда келтирилган пахталарни қабул қилиш-узатишда ишлатилаётган механизация воситаларининг бугунги кундаги ҳолатига бағишланган.

Махаллий ва чет давлатларда пахтани қабул қилиш-ғармалашда ишлатиладиган механизация воситаларининг авфзаллик ва камчиликлари ўрганилган. Махаллий пахта тозалаш корхоналарида кўчма ҳолатида пахтани қабул қилиш-узатиш жараёнини жадаллаштириш, иш унумдорликни ошириш мақсадида ПЛ таъминлагич ролганлар билан такомиллаштирилиб, ХПП-III русумида ишлаб чиқарилган, натижада қурилманинг иш унумдорлиги бир мунча ошган, лекин қурилмадаги бункернинг керакли хажмда бўлмаганлиги ва қабул қилинган пахта конвейерга гравитация усулида узатилганлиги, бунда пахтани узлуксиз керакли микдорда узатиш механизми йўқлигидан қурилма иш унумдорлиги кам бўлиб, пахтани қабул қилиш-узатишда тирбандликлар ва тикилишлар юзага келиши таҳлил қилинган.

Хорижда пахтани қабул қилиш-узатиш модулли системада бўлиб, пахтани модул кўринишида далаларда тайёрланиши ва пахта тозалаш корхоналарига юборилишини механизацияланганлигидан қулайлиги, лекин пахта дала шароитида ерга ғарамланганда пахтанинг ерга ётқизилган қисмида намликнинг юзага келиши оқибатида пахтани сарғайишига ва чиришига олиб келиши таҳлил қилинган.

Ўрганилган ва таҳлил этилган натижалар асосида пахтани самарали қабул қилиш-узатиш жараёнини амалга оширадиган, тўлиқ механизация усулида ишлайдиган, иш унумдорлиги юқори бўлган такомиллаштирилган қабул қилувчи-узатувчи қурилмани ишлаб чиқариш зарурлиги аниқланди.

Диссертациянинг **“Пахтани қабул қилиш ва узатиш механизациясини назарий тадқиқоти”** деб номланган иккинчи бобидан тирбандликсиз ва пахтани юборишда танаффус бўлмаган ҳолатда автотранспортлардан пахтани умумий қабул қилиш жараёни ўрганилган. Умумий қабул қилиш жараёни аравани ўрнатилишига ва пахтани туширишга кетган вақтга тенг бўлиб, пахтани тушириш учун аравани ўрнатилишига кетган вақт қуйидагича аниқланади:

$$t_0 = t_1 + t_2 + t_3 + t_4 \quad (1)$$

бу ерда  $t_1$  - 1-чи аравадан брезентни олиш вақти;  $t_2$  - 1-чи арава ён томонини очишга кетган вақт;  $t_3$  - автотранспортни ПЛПХ русумли қабул қилиш-узатиш қурилмасига олиб келишга кетган вақт;  $t_4$  - 1-чи аравани қиялаштиришга кетган вақт.

Пахтани туширишга кетган вақт эса қуйдагига тенг:


$$t = t_5 + t_6 + t_9 + t_{10} + t_{11} + t_{12} \quad (2)$$

бу ерда  $t_5$  - 1-чи аравадан пахтани туширишга кетган вақт;  $t_6$  - 1-чи бўшаган аравани олдинги ҳолатга келтиришга кетган вақт;  $t_9$  - араваларни алмаштиришга кетган вақт;  $t_{10}$  - 2-чи аравани қиялаштиришга кетган вақт;  $t_{11}$  - 2-чи аравадан пахтани туширишга кетган вақт;  $t_{12}$  - 1-чи бўшаган аравани олдинги ҳолатга келтиришга кетган вақт.

Бунда умумий қабул қилишга кетган вақт  $T = t_0 + t$  бўлиб, қабул қилиш-узатиш қурилмасида бўш вақт бўлмасдан пахтани узликсиз қабул қилиш учун аравани доимий равишда тўқишга ўрнатиш кераклиги ўрганилган. Бундан ташқари қурилма керакли иш унумдорликда ишлаши учун қурилмадаги бункернинг керакли ҳажмини ифодаловчи тенглама олинди:

$$E_0 = t_0 \frac{\Pi_m}{\rho} K, \text{ м}^3 \quad (3)$$

бу ерда  $\Pi_m$  - материал массаси бўйича қурилманинг иш унумдорлиги, кг/сек;  $\rho$  - транспорт воситаси аравасидаги пахтанинг ўртача зичлиги, кг/м<sup>3</sup>;  $K$  - қабул қилиш-узатиш қурилмаси бункерида пахтани ёйилиш коэффиценти.  $K$  нинг 1,0 дан 1,5 гача ўзгаришида ёйилиш коэффиценти ва иш унумдорликни инобатга олган ҳолда керакли ҳажмдаги бункерга боғлиқлик графиги 1-расмда келтирилган.



1- расм. Иш унумдорликни қабул қилиш-узатиш қурилмаси бункери ҳажмига боғлиқлик графиги

Кўчма қабул қилувчи бункер ҳажми ва ўлчамлари аравани ердан қанча баландликда эканлиги, арава ўлчамлари ва конвейер юзасига пахтани тўқиш ҳолати бўйича аниқланиши мақсадлидир. Буларни инобатга олган ҳолда қабул қилувчи қисмининг келтирилган узунлигини қуйидаги тенглама билан ифодалаймиз:

$$L = h_k \sin \beta + [h_k \cos \beta + (h_n - h_\delta)] \operatorname{ctg} \alpha, \text{ м} \quad (4)$$




бу ерда  $\alpha_0$  - пахтани тушиш бурчаги, град.;

$\beta$  - аравани ағдарилиш бурчаги, град.;

$h_s$  - бункерга тўкилаётган пахтанинг охириги нуқтадаги баландлиги, м.

Қабул қилувчи ва узатувчи конвейерларнинг конструкциясини инобатга олган ҳолда бункернинг ердан баландлиги  $h_k$  ни 400-600 мм да олинади. Бунда бункер қабул қилувчи қисмининг узунлиги трактор аравалари учун 2300 мм ни, автотранспорт аравалари учун 2900 мм катталиқда олиниши мақсадлидир.

Ушбу конструктив параметрларга асосан бункерда пахта хажми 9-14 м<sup>3</sup> ни ташкил этади. Қабул қилувчи конвейерга туширилган пахта аравада қолган пахтанинг тушириш жараёнига ҳар хил таъсир этиш мумкин. Аравадан конвейерга туширилган пахтани бутун бир жисм деб олсак ва жараён механизациялашган деб қаралса, у ҳолда аравада туширилмай қолган пахта массасига тортувчи илашиш кучлари ва оғирлик кучларининг йиғиндиси таъсир этади (2- расм). Иккинчи ҳолатда аравада қолган пахтага фақат оғирлик кучи таъсир этади. Шунинг учун бунда тўлиқ механизация жараёни бўлмайди.



2- расм. Кўчма қурилма қабул қилувчи бункерига туширилаётган массали пахтага таъсир қилувчи кучлар схемаси

Қабул қилувчи конвейер билан массали пахтани керак бўладиган кучланишдаги илашишини қуйидаги вектор тенглама кўринишида ёзамиз:

$$\overline{P_T} = \overline{P_g} + \sum_1^n \overline{P_{ki}} \quad (5)$$

бу ерда  $P_T$  - конвейер билан массали пахтани илашиш кучи;  $P_g$  - массали пахтани деформация кучи;  $\sum_1^n P_{ki}$  - аравадан тушаётган массали пахтага таъсир этувчи қаршилик кучларнинг йиғиндиси; (-) - кўшишдаги геометрик белги.

(5) тенглама тўқиш жараёнини механизациялашган давомийлигини кўрсатади.

Массали пахтани ички структурасини бузмаган ҳолда механизацияланган усулда пахтани конвейерга тушириш қуйидаги тенглама билан ифодаланади:

$$G_1 = \frac{\tau SK}{\cos \gamma \cdot f \cdot \cos(90^\circ - \beta - \gamma)}, \text{ Н} \quad (6)$$

бу ерда  $G_1$  - арава билан конвейер оралиғидаги пахта оғирлиги, н;  $\tau$  - силжишдаги кучланиш, Па;  $S$  - силжишдаги массали пахтанинг

кўндаланг кесим юзаси,  $m^2$ ;  $f$  - конвейер юзасидаги пахтанинг ишқаланиш коэффициентини;  $\beta$  - транспорт аравасининг оғиш бурчаги, град.;  $\gamma$  - қабул қилувчи конвейер юзасини горизонтал билан оғиш бурчаги, град.

(6) тенгламани инобатга олган ҳолда ҳар хил конструкциядаги транспорт араваларидан қабул қилувчи кўчма конвейер бункерига тушириладиган пахтанинг массаси 3- расмда график кўринишида келтирилган.

Ташувчи конвейернинг узликсиз ишлаши учун ташувчи конвейердан ўтадиган массали пахтага сарфланган вақт, бункерда йиғилган массали пахтани кўзғатишга сарфланган вақтга тенг бўлиши керак, яъни

$$t_k = t_{\sigma} \quad (7)$$

Йиғилган массали пахтани кўзғатишга кетган вақт бункер иш унумдорлигига боғлиқ бўлиб, қуйидаги тенглама кўринишида ифодаланади:

$$t_{\sigma} = \frac{G_i}{Q}, \text{ с} \quad (8)$$

бу ерда  $Q$  - бункерни техник иш унумдорлиги, кг/с;  $G_i$  - кўзғалиш массаси, кг.

Бункер иш унумдорлигини инобатга олган ҳолда кўзғалиш массасини қуйидаги тенглама орқали ифодалаймиз:

$$G_i = Sv\rho t_{\sigma} \quad (9)$$


Ташувчи конвейерни узликсиз ишлаши учун бункер энини инобатга олган ҳолда унинг тезлиги қуйидаги тенглама билан аниқланади:

$$v_k = \frac{B}{t_{\sigma}}, \text{ м/с} \quad (10)$$

бу ерда  $B$  - бункер эни, м.

Энг яхши дозаторлик вазифасини бажарувчи рационал воситаларга қозикли барабанлар киради. Бункер сарфини бошқариш барабанлар сони ва уларнинг жойлашишига боғлиқ бўлиб, улар комбинацияланган-гравитация- мажбурий усулида амалга оширилади.

Бункердаги барабан қозиклари монолит пахтага баъзи бир кучлар билан таъсир қилади ва монолит пахта бўлақларга ажралади. Бунда қозиклар томонидан пахтага вертикал  $P_x = P \cos \alpha$  ва горизонтал  $P_y = P \sin \alpha$  кучлар таъсир этади (4- расм). Массали пахта томонидан барабан қозикларига



1- трактор аравасидан тушириладиган пахтанинг массаси, 2- автотранспорт аравасидан тушириладиган пахтанинг массаси.

3- расм. Механизацияли тўкишни таъминлаш учун бункерда керакли массали пахтанинг бўлиши транспорт аравасидан тушириладиган массали пахтага боғлиқлиги



таъсир этувчи кучлар қозикларни массали пахта ичига кириш баландлиги ва унинг ҳаракатида тезлик режими билан аниқланди.

Қисқартирилган кўринишда қозикларни ичкарига кириш баландлиги кўшни қозиклар ҳаракат траекторияси нукталарига мос равишда проекциялар фарқи билан аниқланди (5-расм). Бунда траекториянинг радиуси қуйидаги формула ёрдамида ифодаланди:

$$R_1 = R + v \frac{\alpha}{\omega} \cos \alpha \quad (11)$$

бу ерда  $R$  - қозик радиуси, м;  
 $v$  - конвейернинг тезлиги, м/с;  $\alpha$  - қозикни бошланғич ҳолатдан силжиш бурчаги, рад;  
 $\varphi$  - қозикларнинг жойлашиш бурчаги, рад;  
 $\omega$  - барабани бурчак тезлиги, рад/с.

Қозикни пахта ичига кириш баландлиги қуйидаги тенглама ёрдамида аниқланади:

$$h_p = \varphi \frac{v}{\omega} \cos \alpha \quad (12)$$


(12) формуладан қозикларни пахта ичига кириш баландлиги бир хил бўлмаслигини ва косинусоида бўйича ўзгаришини кўриш мумкин.

Ушбу ҳолатдан қозикларни пахта ичига кириши ҳисобий катталигини аниқлаш мумкин. Массали пахтада барабан валини марказ бўйича силжишида қозикларни ичкарига кириш баландлиги қуйидаги тенглама билан аниқланади:


$$h_p = \varphi \frac{v}{\omega} \cos\left(\frac{\pi}{2} - \arcsin \frac{r}{R}\right), \text{ м.} \quad (13)$$

бу ерда  $r$  - барабан валининг радиуси, м.

Монолитли пахтани бузилиши қозиклар кучи таъсирида юзага келади. Бунда қозиклар қадами ҳам асосий ишни бажаради (6- расм). Монолит пахтанинг бузилиши учун қозикларнинг максимал қадами қуйидаги кучлар тенгсизлиги билан топилиши мумкин.



4- расм. Дозатор барабанини массали пахтага таъсир этувчи кучлари схемаси



5- расм. Барабан қозикларини массали пахта ичкарисига кириш катталигини аниқлаш схемаси

$$\tau_k h_p = \tau_c z l_{np} \quad (14)$$

(14) ифодани ечими қозиклар қадами тенгламасини беради:

$$z = \frac{\tau_k h_p 9,81 \cdot 10^4}{\tau_c l_{np}} \quad (15)$$

бу ерда  $\tau_k$  - пахтани қозикли ишчи қисмга солиштира қаршилиги, кг/см;

$\tau_c$  - силжишга солиштира қаршилик, Па;  $l_{np}$  - айлана циклоидасини апроксиматция қилиш билан ярим ёй кўринишида келтирилган узунлик. У қуйидаги тенглама ёрдамида топилади:

$$l_{np} = \frac{\sqrt{2\sqrt{2h_p R - h_p} + \frac{16}{3} h_p^2}}{2} \quad (16)$$


Келтирилган узунлик  $l_{np}$  призма силжишидан топилади.

7-расмда намлиги 20 %, зичлиги 170 кг/м<sup>3</sup> бўлган пахтада ва ҳар хил тезликда ишлайдиган, диаметри 600 мм бўлган барабан учун қозиклар қадамини массали пахтани ичига кириши баландлигига боғлиқлик графиги келтирилган. Графикдан монолит пахтадан керакли микдордаги пахта бўлагини ажратиб олиш учун қозикларни массали пахта ичига кириши 5-6 см ни ташкил этиши ва бунда барабан тезлигининг рациоал катталиги 2-3 м/сек бўлиши мақсадлигини кўриш мумкин.

Қозикларни максимал узунлигини ифодаловчи тенгламани келтирамиз:


$$L = \frac{1}{\rho} (2,29\rho - 3,5W + 0,068\rho W - 98), \text{ м} \quad (17)$$

Пахтанинг максимал 170 кг/м<sup>3</sup> зичлигида қозикнинг узунлиги (17) формула бўйича 0,218 м. га тенг. 8- расмда барабандаги қозиклар узунлигини қадамнинг ўзгаришига боғлиқлик графиги келтирилган. Қозиклар қадами жойлашувини 180-200 мм дан ошишида гравитацион ҳолат юзага келади ва қозикли барабан ўзининг дозаторлик функциясини йўқотади. Барабан қозикларини узунлиги максимал 220-240 мм бўлганда қадамини жойлашишидан қаттиқ назар массали пахтада гравитацион бузилиш юзага келади ва барабанда тикилиш ҳолатлари бўлмайди.




6- расм. Призмали пахтани деформацияланиш схемаси





1-  $v_1 = 0,6$  м/с, 2-  $v_2 = 0,9$  м/с,  
3-  $v_3 = 1,9$  м/с, 4-  $v_4 = 2,5$  м/с, 5-  $v_5 = 3,8$  м/с.

**7- рasm.** Барабанинг ҳар хил тезлигида қозиклар қадами ўзгаришини уларни массали пахта ичига кириш масофасига боғлиқлиги




1-  $h_p = 1$  см, 2-  $h_p = 3$  см, 3-  $h_p = 6$  см.

**8- рasm.** Барабани 3 м/с тезлигида ва қозикларни 1, 3, 6 см чуқурликка киришида қозик узунлиги ўзгаришини қадамига боғлиқлик графиги

Диссертациянинг “Қабул қилувчи-узатувчи қурилмаларнинг параметрларини аниқлаш мақсадида пахтанинг баъзи физик-механик тузилишини тадқиқ қилиш” деб номланган учинчи бобида пахта намлиги, ифлослиги ва зичлигини унинг силжишига таъсири ўрганилган. Тажриба ишлари Наманган-77 селекцияли I ва III навли пахта ўтказилди. 9- рasmда ҳар хил намликка эга бўлган I ва III навли пахтани силжишига бошланғич кучланиш қаршилиги ўзгаришини зичликка боғлиқлик графиги келтирилган. Графикдан зичликнинг ошиши билан кучланишни ошишини кўриш мумкин.

Зичликнинг  $90 \text{ кг/м}^3$  дан  $170 \text{ кг/м}^3$  гача ўзгаришида силжишга қаршилик кучланиши пахта намлиги ўртача 4,1 % бўлганда 121,25 дан 318,9 Па гача, намлик 21,9 % бўлганда 169,73 дан 482,66 Па гача ошади. Пахтани силжишида қаршилик кучига таъсир этувчи асосий компонент унинг намлиги бўлиб, намликнинг 4,1 % дан 21,9 % га ошишида силжишдаги қаршилик пахта зичлиги  $90 \text{ кг/м}^3$  бўлганда 1,3 мартага,  $170 \text{ кг/м}^3$  бўлганда 1,5 мартага кўпаяди.

Пахта ифлослигини силжишига таъсири бўйича ўтказилган тадқиқотлар натижаси ифлосликнинг 17,9 % гача ўзгаришида пахтани силжишдаги кучланишга сезиларли даражада таъсир этмаслигини кўрсатди.



Пахта намлиги: 1- 4,1 %, 2- 14 %, 3- 21,9%.  
**9- рasm.** Ҳар хил намликдаги пахтани силжишга қаршилигининг ўзгаришини зичликка боғлиқлиги



Қурилманинг мустахкамлигига ва пахтани қабул қилиш-узатиш жараёнининг самарали кечишига кирувчи учта асосий омиллар, яъни барабандаги қозиклар узунлиги, барабандаги қозиклар қадами ва барабаннинг айланиш тезлиги таъсир этиши ўрганилди. Буларни инобатга олган ҳолда тажриба-тадқиқот ишлари барабан диаметрининг танлаб олинган 600 мм да, барабандаги қозиклар узунлигини 220-260 мм, қозиклар қадамини 180-220 мм ва барабан айланиш тезлигини 2-4 м/с диапазонларда ўтказилди. Тажриба натижаларига математик ишлов берилди. Бунда бир хил миқдорда такрорланган тажрибалар билан дисперсиянинг бир хиллик гипотезаси Кохрен мезони ёрдамида, регрессия коэффицентини ахамияти Стъудент мезони билан 95 % ишонч даражаси талаби бўйича бажарилди. Регрессия тенгламасини адекватлиги Фишер мезони томонидан текширилди. Чиқувчи омил сифатида жараёнга салмоқли таъсир этувчи қурилманинг  $Y_1$  иш унумдорлигини ва бункердаги пахта хажми  $Y_2$  ни тавсифловчи қуйидаги регрессия тенгламалари олинди:

$$\hat{Y}_1 = 34,233 + 12,23X_1 + 36,1X_2 + 9,86X_3 + 16,04X_1X_2 \quad (18)$$


$$\hat{Y}_2 = 13,97 + 7,18X_1 + 5,34X_2 - 4,27X_3 + 11,15X_1X_2 \quad (19)$$

Муқобиллаштириш масаласи тасодифий қидирув усулида ечилиб, барабандаги қозикларни 240 мм узунликка, қозиклар қадамини 200 мм га ва барабан тезлигини 3 м/с га тенг бўлган оптимал катталиклари олинди. Танлаб олинган катталикларда қурилмани юқори иш унумдорликда ишлашида қурилмадаги қабул қилувчи бункернинг хажми 14 м<sup>3</sup> ни, барабаннинг диаметри 600 мм ни ташкил этди.

Диссертациянинг “Пахтани қабул қилиш-узатиш қурилмасини ишлаб чиқаришдаги синови ва иқтисодий самарадорлик ҳисоби” деб номланган тўртинчи бобида ишлаб чиқаришда ўтказилган таққослаш-тадқиқот ишларининг натижаси келтирилди. Тадқиқот ишларини ўтказиш учун қабул қилувчи бункернинг такомиллаштирилган варианты ва янги конструкцияга эга бўлган қозикли барабаннинг танлаб олинган схемаси (10- расм) бўйича саноат-тажриба нусхаси ишлаб чиқарилди. Ишлаб чиқарилган ишчи қисмлар Наманган вилояти Уйчи пахта тозалаш корхонасидаги ХПП-III русумли пахтани қабул қилувчи-узатувчи қурилмага ўрнатилиб, қурилма такомиллаштирилди (11-расм) ва оддий конструкцияли ХПП-III русумли қурилма билан таққослаш-тадқиқот ишлари олиб борилди.

Мавжуд ХПП-III русумли ва такомиллаштирилган пахтани қабул қилувчи-узатувчи қурилмаларнинг ишлаб чиқаришда юқори ва паст навли пахталарда ўтказилган таққослаш-синов ишларининг натижаси ХПП-III қурилма гравитацион усулда пахтани қабул қилиш-узатишга мосланганлигидан қурилмада узлуксиз жараён амалга ошмасдан қурилманинг тез-тез тикилиши юзага келиши, тикилишларни бартараф этиш учун қурилмани тез-тез тўхтатилиши ва 2 кишидан иборат бўлган қўл

меҳнатидан фойдаланишга тўғри келганлигини кўрсатди. Натижада қурилманинг ҳақиқий иш унумдорлиги унинг техник характеристикасидаги иш унумдорликка қараганда I ва III- навлар бўйича ўртача 13,3 % ва 29,7 % га кам бўлди.



1- бункер, 2- қозиқли барабан, 3- рама, 4- лентали элеватор, 5- шит, 6- привод.

**10- расм. Такомиллаштирилган ХПП-III русумли қурилманинг схемаси**



**11- расм. Такомиллаштирилган ХПП-III русумли пахтани қабул қилиш-узатиш қурилмаси иш жараёнида**

Такомиллаштирилган қабул қилувчи-узатувчи қурилмада дозатор барабанли ишчи қисм бўлганлиги сабабли I ва III- навли пахталарни қабул қилиш ва узатишда тегишлик бўлмасдан пахтани титиб ёйишидан пахта таркибидан ифлосликлар самарали ажралиб, пахта сифати яхшиланди. Пахтани бункердан дозатор ёрдамида ташувчи конвейерга бир хил миқдорда узлуксиз узатиши ҳисобига эса қурилманинг иш унумдорлиги мавжуд қурилманинг ҳақиқий иш унумдорлигига қараганда I ва III- навлар бўйича ўртача 17,6 % ва 13,7 % га ошиб, ўзининг авзаллик томонини кўрсатди.

ХПП-III ва такомиллаштирилган қабул қилувчи-узатувчи қурилмаларда қабул қилинган I ва III навли 2-синфли пахтага дастлабки ишлов беришдан ишлаб чиқарилган тола сифатининг натижалари ўрганилганда, тақлиф этилган қурилмадан ўтказилган I ва III навли 2-синфли пахталардан ишлаб чиқарилган толанинг ифлослиги ўз навбатида 1,85 % ва 3,12 % бўлиб, ХПП-III қурилмадан ўтказилган I ва III навли 2-синфли пахталардан ишлаб чиқарилган толага қараганда сифатининг 0,35 абс. % ва 0,22 абс. % га яхшиланганлигидан I нав “Олий” ва III нав “Яхши” синфларга мансублиги аниқланди ва такомиллаштирилган қабул қилувчи-узатувчи қурилмани ХПП-III қурилмадан самарадорли эканлигини кўрсатди. Такомиллаштирилган ХПП-III ни ишлаб чиқаришга тадбиқ этилишидан кутилаётган иқтисодий самарадорлик битта пахта тозалаш корхонасига бир йилга ўртача 623,7 млн. сўмни ташкил этади.

## ХУЛОСА

1. Пахтани қабул қилиш масканларида механизация воситалари сонини аниқлаш учун пахтани замонавий қабул қилиш сезони ўрганилди. Терим мавсумининг кизгин пайитларида пахтани ўз вақтида қабул қилинишини таъминлаш учун тайёрлов масканларидаги механизация воситалари йиллик пахта ҳажмига нисбатан кунлик 10 % пахта хом-ашёсини қабул қилишга ҳисобланиши кераклиги аниқланди.

2. Назарий тадқиқотлари натижасида ташувчи конвейер параметрларини ҳисоблаш учун формула олинди. Бунда конвейернинг муқобил эни 0,8-1,0 м ни ва тезлиги 2 м/с ни ташкил этиши белгиланди.

3. Массали пахтани силжишида бузилиш характеристикасини аниқлаш учун ўлчаш системасига эга бўлган прибор ишлаб чиқилди.

4. Пахта зичлигининг 90 кг/м<sup>3</sup> дан 170 кг/м<sup>3</sup> гача ошишида ва намликнинг 4 % дан 22 % гача ўзгаришида пахтани силжишига қаршилигини ифодаловчи эмприк формула олинди ва пахтани силжишида бузувчи кучни 121,25 дан 482,66 Па гача ошиши аниқланди.

5. Қабул қилувчи-узатувчи қурилма иш унумдорлигини бошқариш гравитация, комбинацияланган ва мажбурий усулларда ўрганилди. Бунда энг муқобил вариант қозикли дозаторли барабанларга эга бўлган бункер туридаги қабул қилувчи-узатувчи қурилма эканлиги аниқланди.

6. Назарий ва амалий тадқиқотлар натижасида автотранспорт араваларидан пахтани механизация усулида қабул қилиш учун кўчма қабул қилувчи-узатувчи қурилма ишлаб чиқарилди. Пахтани қабул қилишда тўлиқ механизация жараёни амалга ошиши учун қабул қилувчи бункернинг ҳажми 14 м<sup>3</sup> катталиқда бўлиши аниқланди.

7. Пахтани бункердан ташувчи конвейерга бир хилда узатувчи қозикли дозаторли барабанларнинг муқобил геометрик параметрлари бўлган барабаннинг диаметри 600 мм, барабандаги қозикларнинг узунлиги 240 мм, қозиклар қадамнинг жойлашуви 200 мм ва барабаннинг айланиш тезлиги 3 м/с катталиқда бўлиши аниқланди.

8. Назарий ва тажрибавий тадқиқотлар асосида дозатор барабанли бункер туридаги кўчма қабул қилувчи-узатувчи қурилманинг конструкцияси ишлаб чиқилди ва ишлаб чиқаришда тадқиқот ишлари ўтказилди, натижада:

- автотранспортларда келтирилаётган юқори ва паст навли пахталарни механизация усулда туширишни амалга ошириб, юқори навли пахталарни туширишда ўртача 34 т/соат иш унумдорликда, паст навли пахталарни туширишда ўртача 24 т/соат иш унумдорликда ишлашини таъминлади;

- қурилмада дозаторли барабанлар қўлланилганлигидан I ва III- навли пахтанинг сифати мавжуд ХПП-III- русумли қурилмадан ўтказилган I ва III- навли пахтанинг сифатига қараганда ўртача 0,5- 0,7 (абс) % га яхшиланди.

9. Таклиф этилган қурилмадан ўтказилган I ва III навли 2- синфли пахталардан ишлаб чиқарилган толадаги нуқсонлар ва ифлос аралашмаларни массавий улуши ўз навбатида 1,85 % ва 3,12 % ни ташкил этди. Тола сифати мавжуд ХПП-III- русумли қурилмадан ўтказилган пахтадан ишлаб

чиқарилган тола сифатига қараганда ўртача 0,35 % ва 0,22 % га яхшиланиб, O'zDst 604:2016 давлат стандарти бўйича I нав “Олий” ва III нав “Яхши” синфларга мансублиги аниқланди ва такомиллаштирилган қабул қилувчи-узатувчи қурилма ХПП-III қурилмадан самарадорли эканлигини кўрсатди.

10. Такومиллаштирилган қабул қилувчи-узатувчи қурилмани ишлаб чиқаришга жорий этилишидан кутилаётган иқтисодий самарадорлик битта пахта-тўқимачилик кластери пахта тозалаш корхонасига бир йилга 623,7 млн. сўмни ташкил этади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ PhD. 03/30.12.2019.Т.66.01 ПО  
ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ НАМАНГАНСКОМ  
ИНЖЕНЕРНО-ТЕХНОЛОГИЧЕСКОМ ИНСТИТУТЕ**

---

**НАМАНГАНСКИЙ ИНЖЕНЕРНО-ТЕХНОЛОГИЧЕСКИЙ  
ИНСТИТУТ**

**НЕГМАТОВ БОСИТХОН ИЗЗАТИЛЛАЕВИЧ**

**ПОВЫШЕНИЕ ЭФФЕКТИВНОСТИ ПРИЕМА-ПОДАЮЩЕГО  
УСТРОЙСТВА ПУТЕМ ЕГО МОДЕРНИЗАЦИИ**

**05.06.02 – Технология текстильных материалов  
и первичная обработка сырья**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ  
ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**



Тема диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В2020.2.PhD/T1654.

Диссертация выполнена в Наманганском инженерно-технологическом институте.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета ([www.namnti.uz](http://www.namnti.uz)) и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)).

Научный руководитель:	<b>Жуманиязов Қадам</b> доктор технических наук, профессор
Официальные оппоненты:	<b>Эргашев Жамолiddин Саматович</b> доктор технических наук, профессор <b>Сулаймонов Рустам Шенникович</b> доктор технических наук, с.н.с
Ведущая организация:	<b>Андижанский машиностроительный институт</b>

Защита диссертации состоится «26» февраля 2022 года в 14<sup>00</sup> часов на заседании Научного совета PhD.03/30.12.2019.T.66.01 при Наманганском инженерно-технологическом институте по адресу: 160115, г. Наманган, ул. Касансайская-7, здание администрации, 1-этаж, малый зал Научного совета, Наманганского инженерно-технологического института, тел: (+998) 69 225-10-07, факс: (+998) 69 228-76-75, e-mail: [niei\\_info@edu.uz](mailto:niei_info@edu.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Наманганского инженерно-технологического института (зарегистрирована под № 450). Адрес 160115, г. Наманган, ул. Касансайская-7, тел. (+998) 69 225-10-07.

Автореферат диссертации разослан «14» февраля 2022 года.  
(реестр протокола рассылки № 66 от «14» февраля 2022 года).



*Муратов*  
**Р.М.Муратов**  
Председатель научного совета  
по присуждению ученых степеней, д.т.н., профессор

*Бобожанов*  
**Х.Т.Бобожанов**  
Ученый секретарь научного совета  
по присуждению ученых степеней, д.т.н. доцент

*Холиков*  
**К.М.Холиков**  
Председатель научного семинара при научном совете  
по присуждению ученых степеней, д.т.н. профессор

## ВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** Спрос на хлопковое волокно в мире растет из года в год. Узбекистан занимает в этом своё достойное место. Согласно статистике Международного консультативного комитета по хлопку (ICAC), за последние годы мировое производство хлопкового волокна в среднем составило 23,0 миллиона тонн, а его потребление в среднем составляет 24,5 млн. тонн. Высокий уровень конкуренции на мировом рынке волокна и готовой продукции свидетельствует о необходимости расширения производства текстильных изделий конкурентоспособного качества<sup>1</sup>. Поэтому, требуются привлечение определенных затрат. В соответствии с этим, очень важное значение имеет принятие мер для обеспечения экономической эффективности производства и снижения себестоимости продукции.

В связи с растущим в мире спросом на хлопковую продукцию, являющееся одной из натуральных волокон, в хлопководящих странах проводятся широкомасштабные исследования по совершенствованию техники и технологии первичной обработки и созданию научной основы для улучшения качества хлопка. В связи с этим важное значение имеет повышение производительность устройства приема и подачи хлопка, создание ресурсосберегающей конструкции рабочих органов, повышение их прочности, сохранение природных качественных показателей хлопкового волокна. На ряду с этим, разработка конструкции, не влияющей отрицательно на качество продукта при процессах приема и передачи хлопка, обоснование его рабочих параметров, снижение энергозатрат – являются актуальными проблемами.

В связи с этим одной из основных задач, стоящих и требующих своего решения перед хлопкоочистительными предприятиями Ассоциации «Хлопко-текстильного кластера Узбекистана» в стране, является на ряду со своевременным внедрением в производство новой научно-обоснованной техники и технологии, качественная и своевременная приемка хлопка, бунтование и хранение хлопка по партиям в складах, а также, она заключается в производстве качественной продукции в соответствии с требованиями государственных стандартов, резко снижающей потери продукции при первичной обработке хлопка. Для этого важное значение имеет проведение масштабных исследований по техники и технологии первичной обработки хлопка.

В связи с этим в Стратегия действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан на 2017-2021 годы ставится задача, в том числе «... повышение конкурентоспособности национальной экономики, снижение энерго- и ресурсопотребления в экономике, широкое внедрение энергосберегающих технологий в производство...»<sup>2</sup>. Для выполнения этой

---

<sup>1</sup> Cotton: WorldStatistics. <https://www.statista.com>; <http://www.ICAC.org>.

<sup>2</sup> Указ Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года № ПФ-4947 «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан».



задачи при высоких темпах подготовки хлопка на хлопкоочистительных заводах и хлопко приёмных пунктах важное значение имеет создание усовершенствованных эффективных приёмно-передаточных технологий с механизацией тяжёлых и трудоёмких работ.

